

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алина Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ХУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Баҳранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O'RNİ.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Дилфуза Исмоилова,

тарих фанлари номзоди, доцент
Навоий давлат кончилик институти,
dilfuzaismoilova72@mail.ru.

Нор Бердиев,

катта ўқитувчи,
Навоий давлат кончилик институти.
berdiyev@mail.ru

XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН

For citation: Dilmuza Ismoilova, Nor Berdiyev, FROM THE HISTORY OF MINING AND METALLURGY OF THE TURKESTAN REGION AT THE END OF XIX - BEGINNING OF XX CENTURIES. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.113-120



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-15>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида кончилик ва металлургия соҳасида амалга оширилган ишлар ёритилган. Бу даврда ўлкамизнинг Россия империяси протекторатига айлантирилиши оқибатида империядан турли тоифадаги фуқаролар, олимлар, саноатчилар, тадбиркорларнинг кириб келиши ва улар томонидан ер ости ва усти қазилма бойликлари ўрганиш масалалари, Марказий Осиё қазилма бойликларида саноат усулида фойдаланиш учун амалга оширган фаолиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, Туркистон, кончилик, металлургия, Россия империяси, протекторат, империя, қазилма бойликлар.

Дилфуза Исмоилова,

Кандидат исторических наук, доцент,
Навоийский государственный горный институт,
dilmuzaismoilova72@mail.ru

Нор Бердиев,

Старший преподаватель,
Навоийский государственный горный институт
berdiyev@mail.ru

ИЗ ИСТОРИИ ГОРНОГО ДЕЛА И МЕТАЛЛУРГИИ ТУРКЕСТАНСКОГО КРАЯ В КОНЦЕ XIX-НАЧАЛЕ XX ВВ.

АННОТАЦИЯ

В статье описываются работы, проделанные в горно-металлургической сфере Туркестана в конце XIX - начале XX веков. В этот период, в результате превращения нашего края протекторатом России, из Российской империи прибыли разные категории людей, ученые, промышленники, предприниматели, которые изучали природные богатства края.

Ключевые слова: Средняя Азия, Туркестан, горное дело, металлургия, Российская империя, протекторат, империя, полезные ископаемые.

Dilfuza Ismoilova,

Candidate of historical sciences,
associate professor,
Navoi State Mining Institute,
dilfuzaismoilova72@mail.ru

Nor Berdiyev.

Navoi State Mining Institute,
senior teacher. berdiyev@mail.ru

FROM THE HISTORY OF MINING AND METALLURGY OF THE TURKESTAN REGION AT THE END OF XIX - BEGINNING OF XX CENTURIES

ABSTRACT

The article describes the work done in the field of mining and metallurgy in Turkestan in the late XIX - early XX centuries. During this period, as a result of the transformation of our country into a Russian protectorate, various types of citizens, scientists, industrialists, entrepreneurs came from the Russian Empire and studied their underground and surface mineral resources.

Index Terms: Central Asia, Turkestan, mining, metallurgy, Russian Empire, protectorate, empire, mineral resources.

1. Долзарблиги:

Бухоро амирлиги худудларида фойдали қазилма бойликларини шу жумладан, қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ўзининг қадимий тарихига эга бўлиб ҳисобланади. Бухоро амирлигида XVII асрдан бошлаб ва XX аср бошларигача бўлган даврда қончилик ишлари, амалий ва бадий хунармандчиликнинг тараққиётининг турли босқичларида қазилма бойликларини қавлаб олиш ва уларни қайта ишлаш соҳасига оид тарихий манбалар таҳлил қилинганда ушбу мавзунинг кам ўрганилганлигини кўрамиз. Ватан тарихидаги ушбу бўшлиқ қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади. Қончилик ишлари ва қимматбаҳо металллар, бошқа қазилма бойликларини қайта ишлаш тўғрисидаги маълумотлар илмий адабиётларда етарли даражада батафсил ёритилмаган. Тадқиқотлар кам сонли манбалар, асосан ўрта асрларга доир бўлган баъзи ёзма манбаларининг ва археология қидирувлари натижасида олинган маълумотлари билан чекланилишини кўриш мумкин. Нумизматика, филология, география йўналишларидаги ва бошқа манбаларнинг катта ҳажмдаги маълумотлари тадқиқотчиларнинг диққат марказидан четда қолди. Бизнинг қарашимизча, Бухоро амирлиги худудларида қончилик ишлари, фойдали қазилма бойликларини қайта ишланиши тарихи Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг ўлкадаги фойдали минерал қазилма бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш уч йўналишда: фойдали қазилмаларни саноат усулида қазиб олишни йўлга қўйишга ҳаракат қилаётган расмий доиралар, саноатчилар ва муҳандисларнинг манфаатларига мос статистик ўрганиш йўли билан, олим-

тарихчилар, этнографлар, геологлар ва ўлкашунослар томонидан олиб борилган тадқиқотлар орқали амалга оширилди.

Октябрь тўнтаришига қадар бўлган даврада Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларидаги аҳоли манзилларида олтин, кумуш конлари ва бошқа қазилма бойликлари, уларни қазиб олиш технологияси ҳамда қайта ишлаш соҳасидаги ҳунармандлар тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплашда рус амалдорлари, офицерлари, ўлкашунослар ва билимга қизиқувчи кишилар томонидан олиб борилди. Масалан, чор амалдори Салих Бекчурин 1866 йилда Хўжанд шаҳрида бўлганида ушбу ҳудуда мавжуд бўлган темир, олтин, кумуш, феруза ва тошқўмир каби қазилма бойликлар тўғрисида ёзади.[1]

1867-1875 йилларда Хўжанд уезди бошлиғи бўлган А.А. Кушакевич фойдали қазилмаларнинг бой конлари жумладан қайд қилиб олтин, кумушни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган дўконлар, устахоналар, ҳунармандчилик тармоқлари ва корхоналари тўғрисида статистик маълумотлар беради.[2]

Капитан Гребенкин А.Д. Самарқанд ва Зарафшон округи аҳолисининг ҳунармандчилиги ва корхоналарини таърифлар экан, темирчилик, заргарлик, кумуш ва мисгарлик устахоналари тўғрисида маълумотларни келтиради.[3]

Рус муаллифлари И.П. Минаев, А.Ф. Костенко, Д.Н. Логофет ва А.П. Шишовнинг Ўрта Осиёнинг олтин конлари ва бошқа фойдали қазилма конларининг жойлашув ўринлари тавсифлаб берилган китоблари чоп этилди.[4] Полковник Д.Н. Логофет Бухоро амирлиги ҳудудларида илгари олтин, кумуш, темир, ва мис қазиб олинган кўплаб жойларни қайд қилиб, Россия протекторатлиги даврида эса аҳоли кончилик соҳасидаги ишларни камайтириб, фойдали қазилма конларини кам миқдорда ўзлаштириш билан чекланганини кўрсатиб ўтади. Аср бошларида Ўрта Осиёда фойдали қазилмалар қазиб олишни ўрганишнинг тарихий-геологик аспектлари А.Ф. Губаревич-Радобилский, муҳандислар Л.Михайлов, Д.В. Наливкин[5] асарларида ёритиб берилди. Шу даврда ўлкамизнинг фойдали қазилмаларни қазиб олинишини ўрганиш жараёнига геолог-олимлар қўшилдилар. Ўрта Осиёда кончилик ишларининг тадқиқотчиси И.В. Мушкетов 1886 йилда, муҳандис В.И. Вебер 1913 йилда фойдали қазилма конларининг, шу жумладан, қадимги кончилик излари ҳақида маълумот берадилар.[6] XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг даврий нашрларида ҳудудлардаги фойдали қазилма бойликлари тўғрисида мақолалар ва ёзишмалар пайдо бўлди.

Туркистон ўлкасида фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг тарихий-археологик жиҳатдан ўрганишда октябрь тўнтаришидан кейинги даврда олимлардан М.Е. Массон, П.П. Иванов шунингдек, М.И. Бубнова, академик археолог, шарқшунос Ю.Ф. Буряков, геолог О.И. Исломов ва бошқалар жуда катта ҳисса қўшдилар. Улар фойдали қазилма конларининг кашф қилиниши, ўзлаштирилиши ва қазиб олиниши тарихи масалаларини ўз асарларида ёритиб ўтдилар. М.Е. Массон ёзма манбаларга асосланиб XVI -XIX асрларда олтин, кумуш, кўрғошин, мис, темир ва симоб қазиб олишдаги кончилик ишлаб чиқаришини, Илоқ тоғларидаги Қорамозорнинг олтин ва кумуш конлари билан машҳур эканлигини қайд қилиб ўтади.[7] М.Е. Массон Ўрта Осиёда кончилик тарихини ўрганишда олимлар учун зарур бўлган ёзма манбалар мавжуд эмаслигини таъкидлайди.[8]

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги даврда кончилик ишлаб чиқариши соҳасининг ривожланиши турли босқичларининг тарихини ўрганишга бағишланган салмоқли ишлар амалга оширилиб, кўплаб илмий ишлар, китоблар, мақолалар чоп этилди. Бугунги кунда ҳам ўлкамизнинг фойдали қазилма бойликларининг ўзлаштирилиши тарихини ўрганиш доирасида ҳам илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

3. Тадқиқот натижалари:

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасида кон-металлургия саноати ўзига хос, мураккаб ва зиддиятли, тўлқинсимон ўзгаришлардан иборат жараёнлардан ўтди.

Архив материалларининг таҳлили шуни кўрсатадики, XIX аср охири- XX аср бошларида нафақат Россия фуқаролари, балки чет эл мутахассислари ҳам Туркистон ўлкасидаги табиий бойликларни ўрганиш ва ўзлаштиришга қизиқиш билдириб Россия ҳукуматиға мурожаат қилганлар. Шулардан Э.И.Миллер (нефт), кумуш ва кўрғошин П.Ф.Фосс, симоб М.А. Грец, олтин П.А.Шошш, темир А.А.Пандер, оҳактош ва озекерит К.Р. Парлаумер, кварцкум Н.Д.День, олтингугурт М.Ф.Лацинг, феруза И.Шпенист, маъданли шифобахш сувлар Г.Терех, С.Шмидт каби немис мутахассислари томонидан ўрганилган.[9] Масалан, В.Н. Вебер ва И. Краузелар XIX аср 90-йилларида Фарғона водийсидаги тошкўмир, нефть, ош тузи, тоғ муми - озекерит конларини аниқлаш ва ўрганиш билан шуғулланган.

Туркистонда 1908 йил ош тузи қазиб олиш 3 млн пуд, 1911 йилда 3,8 млн пуд, 1915 йилда 4,7 млн пудни ташкил этган бўлса, бу соҳада 1915 йида 2,5 мингта доимий ишчи, 60 га яқин ходимлар, 5,2 минг мавсумий ишчилар ишлаганлар. Фарғона вилоятининг Андижон, Наманган уездларида “Люборот” ширкати ташкил қилиниб, озекерит қазиб олиш билан шуғулланган. “Люборот” ширкатининг 150 та акцияси Германия фуқароси Г.Г. Раупертга тегишли эди.[10]

Фарғона водийси иқтисодий ҳаётида XIX аср охири-XX аср бошларида нефть конлари ҳам муҳим роль ўйнаган. Водийда Чимён, Андижон, Полвонтош, Жанубий Оламушук, Мойлисув, Чанғиртош, Чим, Нефтобод нефть конлари асосан XIX аср охири- XX аср бошларида шаклланиб ишга туширилган. Бу ҳақда “Туркистон тўплами”да Фарғона водийси нефть конларининг очилиши билан боғлиқ юзлаб материаллар чоп қилинган. Нефтьдан маҳаллий аҳоли ёнилғи, ҳар хил яраларга суркаладиган малҳам ва ҳарбий мақсадларда фойдаланган.

Чимён, Мойбулоқ нефть конларидан келтирилган нефтьдан керосин олишга эътибор қаратилган бўлиб, тўқувчилар томонидан Марғилонда

“Нафти бекасам”, “Қора нафти”, “Чимён нафти” каби матолар тўқилиб, улар сарой аъёнлари олдида ҳам машҳур бўлган. Нефтни ер остига зинапоё қилиб қазिश услуби кенг тарқалган. Россия тадбиркорлари келгандан кейин эса буғ энергияси ёрдамида қудуқ қовлаш йўли билан қазиб олинган. 1904 йилда Чимён нефть қонидан буғ энергияси ёрдамида 278 метрлик қудуқ қовланган. Шу қудуқдан қунига 130 тонна нефть олинган.[11]

Фарғона водийсидаги Қизилқия, Сулукта, Шўроб, Тошкўмир, Қўкёнғоқ каби конлардан қўнғир қўмир, рангли металл қазиб олинган бўлса, уни қайта ишлаш Андижон, Қўқон, Фарғона, Қувасойдаги корхоналарда амалга оширилган.

Муҳаммад Солиҳ “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида (XIX аср) Тошкент воҳасидаги Хўжа Муродбахш, Жата ва Мўғул, Идрис тоғлари, Кабутари кумуш тоғлари, Қурама тоғ тизмаларида туз, темир, кўрғошин, мис, олтингугурт, нефть, олтин, кумуш, ёкутнинг бир неча хили, қимматбаҳо тошлар, қора мармар ва бошқа конлар борлиги ҳамда баъзи конлардан фойдаланилаётганлигини ёзган. “Фойдали қазилмаларнинг конларида илгари металл эритадиган ўчоқлар ва устахоналар бўлган. Уларнинг қолдиқлари ҳозир ҳам сақланиб қолган... Фаррак (Чирчик) дарёси бўйлаб, ҳар ер-ҳар ерда олтин қидирувчилар қумни ювиб олтин оладилар... Зарталлош деган жойда заргарлик устахоналарининг харобалари ҳозир ҳам бор[12] - деб ёзганди М. Солиҳ.

Англия тоғ-кон синдикати вакили А. Нобель Туркистонга мис конлари ҳақида маълумот тўплаш, имкони бўлса, бир неча рухсатномани қўлга киритиш мақсадида келган. У “Туркестанские ведомости” газетаси муҳбири билан ўзаро мулоқотда: “Ўлкада мис конлари яхши тадқиқ этилмаганлиги ва руслар инглизларнинг ўлкадаги барча табиий бойликларни қўлга киритишидан қалтирашини” алоҳида таъкидлайди.[13] А. Нобель синдикат даромадининг 80 фоизини Россия империясида ишчиларга сарфлаган.

1901 йилда кон инженери Журавко-Покорскийнинг олтин ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Помир олтин саноатчилари жамияти» ташкил этилди. Аср бошларида рус саноатчиларининг “Помир олтин саноатчилари жамияти” олтин қазиб олишни саноат усулида йўлга қўйишга ҳаракат қилгани, Дарвоз ва Қўлоб бекликларида 15 дан ошиқ истиқболли конларни шу жумладан олтинга бой кварцли конларни кашф этишгани, ҳар юз

пуд рудада 4 мисқолдан 34 мисқолгача олтин мавжудлиги аниқлангани Туркистон кончилик округининг Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатларида акс этган. [14] Аммо, “Помир олтин саноатчилари жамияти”нинг олтин саноатини замонавий асосда ташкил этиш ишларида анча қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлиб, кўзга кўринарли натижаларни қўлга кирита олмаган. Унга сабаб ушбу ҳудудда жамиятга дастлабки ажратилган кредит миқдори кўзда тутилган ишларни тез йўлга қўйишга имконият бермаган. 1915 йилда Туркистон кончилик округи кон инженери С. Леонов Туркистон генерал- губернатори номига тайёрлаган “Россиянинг Туркистондаги мулкларида олтин харид қилиш тўғрисида” ҳисоботида бу соҳадаги фаолиятни ривожлантиришнинг асосий муаммоларига тўхталиб ўтган. Туркистонда, жумладан, Бухоро амирлигида йилига юз пудлаб олтин қазиб олинishi, унинг асосий қисми Россия хазинасини четлаб, Қошғар, Афғонистон, Эрон ва бошқа мамлакатларга яширинча сотилишини, бунинг олдини олиш ва Россиянинг ғазнасига қўшимча даромад тушиши учун Туркистонда хуфиёна олтин ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганларнинг фаолиятини қонуний қилиш ҳамда улар қазиб олаётган олтинни адолатли нархларда ҳукумат томонидан сотиб олинishiни йўлга қўйишни таклиф этади.

Ўлка табиий захира бойликларини ўрганиш анча олдин XVIII- XIX асрларда бошланган бўлса-да, 1867 йилда Туркистон генерал – губернаторлиги ташкил этилиб, ўлкамиз Россия империясига бўйсундирилгандан сўнг, бу соҳадаги ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу мақсадда Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузурида Туркистон кон округи ва унинг раҳбари-кон инженери лавозими таъсис этилган. Бу органнинг ва унинг раҳбарининг асосий вазифаси Туркистон ўлкасида ва Россия империясига қарам бўлган ҳудудларда геологик – қидирув ишларини ташкил этиш, назорат қилиш, қазилма кон бойликларининг ўзлаштирилиши учун империя доирасида фаолият кўрсатувчи саноатчиларга хусусий тартибда иш олиб боришлари учун тегишли хулосалар бериш ва бошқа ваколатлар берилган эди. Кон ишлари округи ва унинг турли даврлардаги раҳбарлари ўлкадаги ер ости қазилма бойликларини қидириб топиш ва ўзлаштиришга раҳбарлик қилдилар. Ўлкада қазилма кон бойликларининг ўзлаштиришга қизиқиш 1899 йилдан кейин кучайганлигини кон инженери номига ариза билан мурожаат қилувчилар сони кўпайганлигини қуйидаги рақамларда кўриш мумкин:

- 1899 йилда 112 киши мурожаат қилган, улардан 40 кишига рухсат гувоҳномалари берилган;
- 1900 йилда 160 киши мурожаат қилган, 97 кишига рухсат гувоҳномалари берилган;
- 1901 йилда 192 киши мурожаат қилган, 88 кишига рухсат гувоҳномалари берилган;
- 1904 йилда 200 киши мурожаат қилган, 26 кишига рухсат гувоҳномалари берилган.[15]

Мустамлакачилар томонидан ўлкадаги ер ости бойликларининг тезроқ ўзлаштириш мақсадида, бу иш билан шуғулланаётган шахсларга давлат банклари орқали маблағлар ҳам ажратилган. Масалан, кончилик инженери Д. К. Мишенков ер ости бойликларини қазиб олиш учун зарур бўлган ускуналар учун давлат банкидан олган ссудани кафолатлаш учун ўзига тегишли бўлган Тошкент уезди Ҳожикент қишлоғи яқинидаги мис ва тошкўмир конларини, шунингдек, Бурчмулла қишлоғи яқинидаги мис – қалай конларига тегишли ҳужжатларни банкка топширади. Давлат банки бўлими, Туркистон кон округи кон инженерига ушбу ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва Д. К. Мишенковнинг олиб бораётган кон саноати ишларининг аҳволи ҳақида сўров киритган.[16]

Туркистонда темир йўлнинг ўтказилиши натижасида ўлкада кон – қидирув ишларига янада катта эътибор қаратилиб, транспорт, саноат эҳтиёжларини қондириш учун тошкўмир, нефть конлари кенг ҳудудлар бўйлаб ўрганилиб, ўзлаштирила бошланади. Туркистондаги қазилма бойликлар конларининг ўзлаштирилишига, ҳатто Россия империясининг Зироатчилик ва давлат мулклари вазирлиги ҳам аралашиб, ўзларига яқин кишиларга конларни ажратиш учун Туркистон генерал – губернаторига маълум бир тавсиялар берадилар. Масалан, 1898 йил савдогар Петровга тегишли Навката қишлоғи яқинидаги тошкўмир конлари Антон Глазга, 1900 йил 4 августда Хўжанд яқинидаги Кўкинасой тошкўмир кони князь Лобанов – Ростовскийга ҳеч қандай савдосиз ва шартларсиз

берилишини шахсан империя Зироатчилик ва давлат мулклари вазири Ермолов номидан сўралган.[17] Кон эгалари қазилма бойликлар конларининг қай даражада фойда келтиришини ҳамда унинг аҳоли пунктларига яқин жойларда жойлашганлиги, ишчи кучининг етарли даражада бўлиши, транспорт турларининг конларга кириб борадиган манзилларга яқин жойларда эканлигига алоҳида эътибор қилинган. Улар томонидан олиб борилган ишлар натижасида Туркистон ўлкасида кончилик ишларининг саноат даражасида йўлга қўйишга ҳаракат қилинган, бу эса империянинг олтин, нефть, кўмир бошқа шу каби қазилма бойликларга ўсиб келаётган эҳтиёжларини қондириши керак эди. Бу эса ўлкамиздаги қазилма бойликларни империя давлат ғазнасини тўлдиришга, ўлка бойликларини аёвсиз талашига олиб келди.

1917 йилда Туркистонда 1428 та саноат корхонаси бўлиб, улардан 483 таси Фарғонада, 323 таси Сирдарёда, 253 таси Каспийортида, 175 та Самарқандда, 92 таси Бухоро амирлигида, 89 таси Еттисув вилоятида, 13 таси Хива хонлигига қарашли эди.[18] Мавжуд саноат корхонасидан 25 таси нефть ва кўмир конлари, 15 таси металл қуйиш устахоналари бўлган.

3. Хулосалар:

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистонда сўнгги йилларда геология ва кончилик саноати соҳасида амалга оширилаётган ишлардан асосий мақсад иқтисодий қудратимизни янада мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир. Шу жиҳатдан кончилик соҳасининг ўтмишини илмий ўрганиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш келажак учун фойдали деб ҳисоблаймиз.
- XIX аср ўрталарида хонликлардаги ички низолар, сиёсий тарқоқлик илм-фан ривожига салбий таъсир кўрсатиб кончилик ишлаб чиқариши соҳасининг ривожланишни таъминлай олмади. Ўлкамизда XIX аср охири - XX аср бошлари мустамлакачилик тузумида кон-геология, фойдали қазилма бойликларини ўрганиш ва қайта ишлаш соҳасида муайян ишлар амалга оширилган бўлсада, ўша даврда ривожланган мамлакатларда бўлгани каби даражага олиб чиқилмади:
- Ўрганиладиган даврда фойдали қазилма конларини кидириш, ўзлаштириш ва қайта ишлаш асосан метрополия манфаатлари, мустамлака маъмурияти манфаатлари йўлида амалга оширилди;
- Туркистонда кончилик соҳасининг ривожланиши маҳаллий аҳолининг иқтисодий – ижтимоий ва маданий тараққиёти учун хизмат килди деб бўлмайди.
- Ўзбекистонда геология, кончилик ишлаб чиқарилиши соҳасини ривожлантириш масаласига катта аҳамият берилаётган бир вақтда унинг тарихий тараққиёт босқичларини ўрганиш, тегишли хулосалар чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Иктибослар/ Сноски/References:

1. Бекчурин М. Наши завоевания 1866 года в Средней Азии//Записки Оренбургского отдела Импер. Русского географ. Общ-ва.- Выпуск второй.-Казань. 1871.- С.205. (Bekchurin M. Our conquests of 1866 in Central Asia // Notes of the Orenburg department of the Imp. Russian geographer. Society.- Second edition.-Kazan. 1871.- p. 205.)
2. Кушакевич А.А. Сведения о Ходжентском уезде// Записки Импер. Рус.географ общ-ва.- Т.4.- СПб., 1871.-С.225, 230, 256, 258. (Kushakevich A.A. Information about the Khojent district // Notes of the Imp. Russian geographer society. - Т.4.- SPb., 1871.-P.225, 230, 256, 258.)
3. Гребенкин Д.А. Таджики//Русский Туркестан.- Вып.2.- М., 1872.-С.21-28. (Grebentkin D.A. Tajiks // Russian Turkestan .- Issue 2.- М., 1872.-P.21-28.)
4. Золотопрмышленность в Туркестанском крае//Русский Туркестан. – Вып. 2. М.,-1872.- С. 183-193; Минаев И.П. Сведения о странах по верховьям Аму-Дарьи. – СПб., 1879. – С. 53; Логофет Д.Н. Страна бесправия. СПб., 1909. –С. 78-82; Костенко Л.Ф.

- Туркестанский край. – Спб., 1880.-Т.,3.- С. 182, 183. (Gold mining in the Turkestan region // Russian Turkestan. - Issue. 2.M., - 1872.-S. 183-193; Minaev I.P. Information about the countries along the headwaters of the Amu-Darya. - SPb., 1879. -- P. 53; D.N. Logofet A country of lawlessness. SPb., 1909. -S. 78-82; Kostenko L.F. Turkestan region. - SPb., 1880.-Т., 3.- S. 182, 183.)
5. Губаревич-Радобыльский А.Ф. Экономический очерк Бухары и Туниса: Опыт сравнительного исследования двух систем протектората.- Спб., 1905.-С.76; Михайлов Л. Золопромышленность в Бухарском ханстве// Туркестанские ведомости.- 1897. № 49; Наливкин Д.В. Золото Горной Бухары и Памира// Геологический вестник.- 1911.-Т.2.-Вып.1. (Gubarevich-Radobylsky A.F. Economic essay of Bukhara and Tunisia: Experience of a comparative study of two systems of protectorate.- SPb., 1905.-P.76; Mikhailov L. Gold industry in the Bukhara Khanate // Turkestan news. - 1897. No. 49; D.V. Nalivkin Gold of Gornaya Bukhara and Pamir // Geological Bulletin. - 1911.-Т.2.-Issue 1.)
 6. Мушкетов И.В. Туркестан.-Т.,2.-Спб, 1886; Вебер В.Н., Полезные ископаемые Туркестана.- Спб, 1913; Вебер В.Н. О золотопромышленности в Средней Азии// Рудный вестник.- П., 1916.- №2. (Mushketov I.V. Turkestan.-Т., 2.-SPb, 1886; Weber V.N., Mineral resources of Turkestan.- SPb, 1913; Weber V.N. About gold mining in Central Asia // Ore Bulletin.- P., 1916.- №2.)
 7. Семенов А.А. История феодальных узбекских ханств с конца 15 до середины 19 вв.// История народов Узбекистана.- Т.2.- Ташкент; АН Уз ССР,1947.- С.97; Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана.- Ташкент: Изд. АН Уз ССР, 1953.- С.28. (Semenov A.A. History of the feudal Uzbek khanates from the late 15th to the middle of the 19th centuries // History of the peoples of Uzbekistan.- Vol. 2.- Tashkent; AN Uz SSR, 1947.- P.97; Masson M.E. To the history of mining on the territory of Uzbekistan.- Tashkent: Publishing house. AN Uz SSR, 1953.-P.28.)
 8. Массон М.Е. Из истории горной промышленности Таджикистана. Былая разработка полезных ископаемых. Л., 1934.-С.6. (Материалы Таджикско-Памирской экспедиции 1933 г.- Вып. 201.) (Masson M.E. From the history of the mining industry of Tajikistan. Former mining. L., 1934.-P.6. (Materials of the Tajik-Pamir expedition of 1933 - Issue 201.)
 9. Рахматиллоев И. Чотқол ва Курама тоғ конлари.-Т.: VEKTOR-PRESS; 2011.- Б.18. (Rahmatilloev I. Chatkal and Qurama mines.-Т. : VECTOR-PRESS; 2011.- P.18.)
 10. Собиров Н., Эгамназаров А. Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида немис ишбилармонларининг ҳиссаси (XIX аср охири-XX аср бошлари).-Т., 2011.-Б. 94. (Sobirov N., Egamnazarov A. The contribution of German businessmen in the socio-economic and cultural development of the Fergana Valley (late XIX-early XX centuries) .- Т., 2011.-P. 94)
 11. Собиров Н., Эгамназаров А. Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида немис ишбилармонларининг ҳиссаси (XIX аср охири-XX аср бошлари).-Т., 2011.-Б.102. (Sobirov N., Egamnazarov A. The contribution of German businessmen in the socio-economic and cultural development of the Fergana Valley (late XIX-early XX centuries) .- Т., 2011.-P.102)
 12. Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида.-Т.: Фан; 1983.-Б. 54. (Urinbaev A., Buriev O. Tashkent in the description of Muhammad Salih.-Т. : Science; 1983.- P. 54.)
 13. Иванович С. Англичане в Туркестане// Туркестанские ведомости// ; 1912.-№41; 1914.-№101) (Ivanovich S. Englishmen in Turkestan // Turkestanskije vedomosti //; 1912.-No.41; 1914.-No.101))
 14. Қудратов Ш.Ё. Бухоро амирлигида олтин конларини излаб топиш ва уни қазиб олиш тарихидан / “Қўхна ва боқий Бухоро тарихи ҳамда маданий мероси-комил инсон тарбиясида муҳим манба”. Республика илмий-амалий конференция материаллари.- Бухоро-2012.-Б.207. (Qudratov Sh.Yo. From the history of prospecting and mining of gold deposits in the Emirate of Bukhara / "Ancient and eternal history of Bukhara and its cultural

heritage - an important source in the education of a perfect man." Materials of the Republican scientific-practical conference.-Bukhara-2012.-P.207.)

15. ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 84 - ҳужжат, 313 - варақ. (National Archive of Uzbekistan, fund 41, list 1, document 84, page 313.)
16. ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 75 - ҳужжат, 152 - варақ. . (National Archive of Uzbekistan, fund 41, list 1, document 75, page 152.)
17. ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 84 - ҳужжат, 69 - варақ. (National Archive of Uzbekistan, fund 41, list 1, document 84, page 69.)
18. ЎзР МДА, 105-йиғма жилд, 1-рўйхат, 3-ҳужжат, 139 варақ (National Archive of Uzbekistan, collection 105, list 1, document 3, 139 pages)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000